

“O‘ZQISHLOQXO‘JALIKMASHLIZING”
акциядорлик лизинг компаниясининг
ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ЭКСПЕРТ
КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 101-сонли, 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 29 мартда 2347-сон билан тасдиқланган “Ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ “O‘zqishloqxo‘jalikmashlizing” акциядорлик лизинг компанияси (кейинги ўринларда “Компания” сўзи ишлатилади) ижро этувчи аппарати, унинг ҳудудий филиаллари ва “UzMashLizing” шўъба корхонасида ҳужжатларни, шу жумладан, бошқарув (иш юритиш) ва бошқа махсус ҳужжатларнинг аҳамиятини экспертиза қилишда, архив сақловига топширишга тайёрлашда доимий фаолият юритувчи эксперт комиссияси (ЭК) ташкил қилинади.

1.2. Эксперт комиссияси (ЭК) маслаҳат органи ҳисобланади. Унинг қарорлари Компания Бошқаруви раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий кучга кирган ҳисобланади.

1.3. ЭК раиси ва унинг аъзолари Компания Бошқаруви раиси буйруғи асосида тайинланади. Комиссия таркибига компаниянинг умумий масалалар бўйича бош мутахассис комиссия котиби сифатида сўзсиз, Марказий давлат архиви вакили эса келишув асосида киритилади.

1.4. Компаниянинг ҳудудий филиалларида ва “UzMashLizing” шўъба корхонасида ЭК раиси ва унинг аъзолари филиал (шўъба корхона) директорининг буйруғи асосида тайинланади. Комиссия таркибига филиалнинг Офис менежери (шўъба корхонада иш юритувчи) комиссия котиби сифатида сўзсиз, жойлардаги архив муассасаси вакили эса келишув асосида киритилади.

1.5. ЭК Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, қарорларига, фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, фармойишларига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “O‘zarxiv” агентлигининг қоидалари, йўриқномалари ва кўрсатмаларига, шунингдек “O‘zqishloqxo‘jalikmashlizing” АЛК ижро этувчи

аппарати, унинг ҳудудий филиалларида ва “UzMashLizing” шўъба корхонасида шаклланадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари кўрсатилган “Рўйхат”га ҳамда мазкур Низомга таянган ҳолда фаолият кўрсатади.

1.6. ЭК Низоми Компания томонидан ишлаб чиқилади ва унинг Бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади. Ишлаб чиқилган Низом Марказий давлат архиви билан келишилади.

2. ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ

“O‘zqishloqxo‘jalikmashlizing” акциядорлик лизинг компаниясининг эксперт комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

2.1. Компаниянинг умумий масалалар бўйича бош мутахассиси, котиба –референт ва архивариус билан биргаликда Компания ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилиш учун ҳар йили ҳужжатларни саралаш бўйича иш ташкил этади, шунингдек, Компанияда иш юритиш жараёни устидан назорат олиб боради.

2.2. Қуйидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, маъқуллаш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлашга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилади:

- ҳужжатларни давлат сақловига тайёрлаш ва топшириш жадвалларини;
- доимий сақловдаги йиғмажилдлар якуний рўйхати (йиллик) ва узок муддатли сақланувчи (10 йилдан ортиқ) йиғмажилдлар рўйхати, шу жумладан, шахсий таркиб бўйича йиғмажилдларни;
- рўйхатларга, лойиҳаларга, мавзуларга доир доимий сақловдаги илмий-техникавий ҳужжатларни;
- сақлов муддати тугаган, йўқ қилишга ажратилган ҳужжатларнинг далолатномаларини;
- изланиш йўллари тугаган, топилмаган йиғмажилдлар тўғрисидаги далолатномаларни;
- шикастланган, тузатиб бўлмайдиган йиғмажилдлар тўғрисидаги далолатномаларни.

2.3. Компания, унинг ҳудудий филиаллари ва “UzMashLizing” шўъба корхонасининг Эксперт комиссияси:

- Компания, ҳудудий филиаллар ва “UzMashLizing” шўъба корхонасида йиғмажилдлар номенклатураси ва иш юритиш бўйича услубий қўлланмалар тайёрланиши ва кўриб чиқилишида;
- ҳужжатлар қийматлилигини экспертиза қилиш ва келгусида сақлаш учун ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади.

2.4.ЭК амалдаги рўйхатлар асосида белгиланган айрим ҳужжатларнинг сақлов муддатини ўзгартириш тўғрисида фикрларни, рўйхатларда кўзда тутилмаган ҳужжатларнинг сақлов муддатини аниқлашдаги фикр-

мулоҳазаларни кўриб чиқади ва Марказий давлат архиви томонидан тасдиқланиши учун таклиф тайёрлайди ва киритади.

2.5.ЭК Компаниянинг департамент бошлиқларини, ҳудудий филиаллар ва “UzMashLizing” шўъба корхонасининг раҳбарларини иш юритишда ҳужжатларни ташкил этиш масалалари бўйича, уларнинг аҳамиятини экспертиза қилиш ва бундан буён сақлаш борасида йўриқнома ва маслаҳатлар билан таъминлайди.

3.ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

“O‘zqishloqxo‘jalikmashlizing” акциядорлик лизинг компанияси Эксперт комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

3.1. Ўрнатилган талабларга биноан Компаниянинг бошқарма, департамент бошлиқларига, ҳудудий филиаллар ва “UzMashLizing” шўъба корхонасининг ЭК раҳбарларига, йиғмажилдларни олиб боришга жавобгар ходимларга, иш юритишда хизматларни ташкил этиш масалалари бўйича уларнинг аҳамиятини экспертиза қилиш ва архив сақловига топшириш учун тайёрлашга кўрсатма бериш;

3.2. Бошқарма, департамент бошлиқларига, ҳудудий филиалларнинг ЭК раҳбарларига, давлат архивида сақланиши шарт бўлган ва йўқолган ҳужжатларни топишни талаб қилиш (йўриқномага ёзма равишда тушунтириш хатини тақдим этиш);

3.3. Ҳужжатларнинг аҳамиятини ва сақлаш муддатини аниқлашда департамент бошлиқлари ҳамда ҳудудий филиалларнинг раҳбарларидан маълумот ва хулосалар талаб қилиш;

3.4. Ўз йиғилишларида иш юритиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш сифати ва иш юритишда йиғмажилдларни ҳосил қилиш тўғрисидаги, доимий сақловдаги ва узоқ муддатли сақловдаги йиғмажилдлар ҳисоби ва сақланиш аҳволи тўғрисида ахборотлар тинглаш;

3.5. ЭК йиғилишига маслаҳатчи ва экспертлар сифатида тегишли ташкилотларнинг мутахассисларини, зарур ҳолларда Марказий давлат архиви мутахассисларини таклиф қилиш;

3.6. Иш юритишнинг ҳолатини текширишда қатнашиш;

3.7. Компания Бошқарувига ЭК ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича маълумот бериш.

4.ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

4.1. ЭК ўз фаолиятини юқори архив органларининг Марказий эксперт комиссияси (МЭК), эксперт-текширув комиссияси (ЭТК), эксперт-текширув услубий комиссиялари (ЭТУК) билан бевосита алоқада олиб боради ва улардан керакли ташкилий услубий маслаҳатлар олади.

4.2. ЭК ўз ишини Компания бошқарув раиси, ҳудудий филиалларда ва “UzMashLizing” шўъба корхонаси директорлари томонидан тасдиқланган режа асосида олиб боради ва уларнинг олдида ўз иши бўйича ҳисобот беради.

4.3. ЭК фаолияти ва унга доир масалалар унинг йиғилишларида, зарур бўлган вақтда йилига икки мартабадан кам бўлмаган ҳолда кўриб чиқилади.

4.4. ЭК нинг қарори кўпчилик овоз билан ҳар бир масала бўйича алоҳида қабул қилинади. ЭК йиғилишларига баённома ёзилади.

4.5. Марказий давлат архиви томонидан мажбурий тасдиқланиши керак бўлганлар:

- доимий ва узоқ муддат (10 йилдан ортиқ) сақланиши лозим бўлган йиғмажилдлар рўйхатининг тасдиқланиши тўғрисидаги ЭК қарори;

- амалдаги рўйхатларда ва йиғмажилдлар номенклатурасида кўзда тутилмаган ҳужжатларни сақлаш муддатини белгилаш бўйича фикр мулоҳазалар.

4.6. ЭК иш юритишини олиб бориш ва унинг ҳужжатларини сақлаш комиссия котибига юклатилади.